

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1492-ҳадис

1492 – وَعَنْهُ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: «اللَّهُمَّ أَصْلِحْ لِي دِينِي الَّذِي هُوَ عِصْمَةُ أَمْرِي، وَأَصْلِحْ لِي دُنْيَايَ الَّتِي فِيهَا مَعَاشِي، وَأَصْلِحْ لِي آخِرَتِي الَّتِي فِيهَا مَعَادِي، وَاجْعَلْ الْحَيَاةَ زِيَادَةً لِي فِي كُلِّ خَيْرٍ، وَاجْعَلِ الْمَوْتَ رَاحَةً لِي مِنْ كُلِّ شَرٍّ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2720].

1492. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деб дуо қилардилар: «Аллоҳумма, аслиҳ лии дийний, аллазии ҳува ʼисмату амрий. Ва аслиҳ лий дунйаайаа, аллатии фииҳаа маъаший. Ва аслиҳ лий аахиротий, аллатии фииҳаа маъаадий. Важъалил ҳайаатаа зиядатан лии фии кулли хойр. Важъалил мавта роҳатан лии мин кулли шарр».

* Маъноси: «Аллоҳим! Борлиғимнинг негизи бўлган динимни ислоҳ қилгин. Тирикчилигим бўлган дунёимни ислоҳ қилгин. Қайтар жойим бўлган охиратимни ислоҳ қилгин. Ҳаётни мен учун барча яхшиликларнинг зиёда бўлишига сабаб қилгин, ўлимни эса мен учун барча ёмонликлардан халос қилувчи роҳат қилгин».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Инсоннинг энг катта орзуси, динини Аллоҳ таоло буюрган шаклда яшаш бўлиши керак. Чунки инсон дунёга Аллоҳни таниш ва Унга ибодат қилиш учун келган. Аллоҳнинг куллари учун туширган дини ёлғиз ислом динидир. Шу сабабли ҳамма, Расули Акрам айтганларидек, диннинг ҳамма нарсадан олдин келганлигини, ҳамма ишнинг боши эканлигини унутмаслик ва бу масалада хато қилмаслик учун ҳаракат қилиш керак.

Ҳар бир яхшиликда ҳаётининг зиёда қилиниши. Санокли нафаснинг бир кун тугаши, соғлиқнинг кетиши, куч ва қувватнинг кетиши, давроннинг тескарига айланиб қўлидаги барча нарсаларнинг кетишини ҳар доим эслаб,

кўп яхшилик қилиш керак.

Ҳар бир ёмонликда ўлимни роҳат бўлиши, инсоннинг жонига, молига, бола чақасига ҳар қандай фалокатнинг келишидан олдин дунёдан кўз юмишлиқдир. Баъзи кимсалар: «Жуда ёш пайтида ўлиб, эрта кетди» деб хафа бўламиз. Замонсиз деб айтилган умр, моддий ва маънавий ёмонликларнинг келишидан олдин дунёдан кўчиш бўлиши мумкин. Зеро касалликда ёки йўқсилликда яшаш инсон учун бир азобдир. Бундай азобга йўлиқмасдан ўлиш инсон учун бир қутилишдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу дуолари кўриб турганингиздек маъноси теран бир дуодир.

Манба: hadis.islom.uz

